



Бундан ташкири, радикаллар Франциядаги 200 та масjid имомига хужум килишга тайёrlанган.

Франциядаги ультра-ўнг канот гурӯхларидан бири супермаркетларда халол маҳсулотлар партиясини захарлашни режалаштирган.

Франциянинг Mediapart газетаси ёзишича, бу режа хакида жиноий ташкилотга Франция ички хавфсизлик Бош бошкармаси (DGSI) томонидан киритилган агент туфайли маълум

бўлди.

Режа 2018 йил «Тезкор кучлар харакатлари (AFO)» номи остида ишлаб чикилган бўлиб, Франция ахолисини «мусулмонларга карши кураш ва зўрвонлик харакатлари»га чакирган. Гурухнинг 15 аъзоси кўлга олинди.

AFO аъзолари «Халол операция» номи остидаги акция доирасида супермаркетларда халол озик-овкат махсулотларини захарлашни режалаштирган. Бирок радикал гурухнинг икки вакили кариялар ва ёш болалар ўлимига йўл ўймаслик учун бу харакатга карши чикишган.

Бундан ташкари, DGSI ўльтра-ўнг канот вакиллари Франциядаги 200 та масжид имомига хужум уюштиришга тайёргарлик кўргани хакида хам маълумот олди.

Гумонланувчиларнинг, жумладан, давлат хизматчилари, истеъфодаги милиция ходимлари ва собик харбий хизматчиларнинг уйларида ўтказилган тинтувлар чогида портловчи моддалар ясаш учун ишлатиладиган материаллар, шунингдек, кўплаб куроллар мусодара килинган.